



No'kis q. A.Dosnazarov k. 62 u'y, tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-95-20,
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

«26» сентябрь 2021 ж.

03-03/01- 2191 - санлы

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигига

9 май - Хотира ва Қадрлаш куни, умумхалқ байрамига бағишланган
тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича
Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5081-сон қарори билан тасдиқланган дастурнинг ҳамда ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 24 апрелдаги 02-55-сонли Тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 26 апрелдаги 03-03/01-2134-сонли Тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, барча туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига ижро учун юборилди. Тадбирлар дастури юзасидан муайян ишлар амалга оширилди, **хусусан:**

Дастурининг **1-бандида (9)** белгиланган умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини ҳарбилик касбига қизиқтириш, ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбий қисмларга жами **12 176** нафардан зиёд ўқувчилар иштироқи камраб олинди; (расимлар илова қилинади)

2-банд (10): Ўсиб келаётган ёш авлод вакилларини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчилари ўртасида Қўмондон кубоги учун “Ватанпарварлар” ҳарбий-спорт мусобақалари ҳар бир ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар ташаббуси билан ўтказилди; (расимлар илова қилинади)

3-банд (17): 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни арафасида “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибидаги “Данк”, И.В.Совицкий номидаги Қорақалпоқ санъат музейи Қорақалпоғистон Республикасидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг **6800** дан зиёд ўқувчиларининг ташлифлари амалга оширилган бўлса, туманлардаги музейларга таълим муассасаларининг **3 000** дан зиёд бепул ташрифларини ташкил этилди. (расимлар илова қилинади)

5-банд (19): Республикамиздаги **300** дан зиёд умумий ўрта таълим муассасаларида “Мардлик, бурч ва садоқат” ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги

фильм ва лавҳалари намоиш этилди, ҳарбий қисимларда фаолият кўрсатаётга офицер ва аскарлар иштирокидаги дарслар ташкил этилди. (расимлар илова қилинади)

6-банд (21): умумий ўрта таълим муассасаларининг **20.000** дан зиёд ўқувчиларининг ҳарбий хизматчилар иштирокида “Уруш номинг ўчсин жаҳонда” мавзусида ижодий ишлар кўргазмалари ташкил этилди. (расимлар илова қилинади).

7-банд (21): Республикамиздаги **400** дан зиёд умумий ўрта таълим муассасаларида Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги жасорати, сабр-матонати, мардлиги, ватанпарварлигини тараннум этувчи “Уруш хотираларда” мавзусидаги ижодий ишлар кўрик-танловини ташкил этилди. (расимлар илова қилинади).

Қорақалпоғистон Республикаси
Халқ таълими вазири ўринбосари



Ш.Таджимуратов